



БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ЖИҲАТДАН ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Ражабов Нўмонжон Ҳакимович

Бухоро давлат педагогика институти

Тиллар факултети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

Аннотация. Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириб боришга мустаҳкам замин яратилиши керак. Олий педагогик таълим муассасаларида ушбу муаммоларнинг ечимини топишда “Педагогик маҳорат” фанини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда у ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириб табиат, жамият, ижтимоий ҳаёт, тафаккур тараққиёти қонуниятларини ўргатади, ёшларни меҳнат фаолиятига тайёрлаб, касб–хунар сирларини пухта эгаллашларида кўмаклашади ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий–иқтисодий вазиятларни ҳал этади.

Калит сўзлар: педагогик маҳорат, муҳит, табиат, жамият, ижтимоий ҳаёт, тафаккур тараққиёти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “2022- 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш бўйича устувор вазифалардан бири “педагог кадрларнинг касбий маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш” ҳам энг муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилган. Ушбу қарорда мазкур тизимда таълим сифати ва самарадорлигини кафолатлашга хизмат қилувчи асосий омиллардан бири – малакали педагог кадрларни тайёрлаш учун, аввало педагогика олий ўқув юртларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини ривожлантириш масаласи ўз ечимини кутаётган энг долзарб муаммолар сирасига киритилган.

Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириб боришга мустаҳкам замин яратилиши керак. Олий педагогик таълим муассасаларида ушбу муаммоларнинг ечимини топишда “Педагогик маҳорат” фанини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда у ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириб табиат, жамият, ижтимоий ҳаёт, тафаккур тараққиёти қонуниятларини ўргатади, ёшларни меҳнат фаолиятига



тайёрлаб, касб–ҳунар сирларини пухта эгаллашларида кўмаклашади ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий–иқтисодий вазиятларни ҳал этади.

Бўлажак ўқитувчининг педагогик маҳоратини ривожлантириш ҳамда маҳорат чўққисини эгаллаши учун босиб ўтадиган йўли машаққатли ва узлуксиз жараёнدير. К.Роджерснинг образли ифодаси билан айтганда, зеро бу “саёҳат” унинг бутун умри мобайнида давом этиб шаклланиб боради. Ўқитувчининг касбий жиҳатдан шаклланиб боришининг асосий босқичларини таърифлашга кўпгина ёндашувлар мавжуд. Хусусан, тадқиқотчи олим Е.А.Климов тавсия қилган шундай ёндашувлардан бирида мукамал педагогик касб эгасининг ҳаёт йўлида учрайдиган қуйидаги даврларни ажратиб кўрсатади:

Оптант (ёки оптанит, оптация даври) – ёшларнинг касб танлаш босқичи.

Адент (адепт даври) – инсон онгли равишда ўзи қизиққан касбни танлаган ҳамда уни махсус касбий таълим муассасаларида (касб–ҳунар коллежи, академик лицей, олий таълим муассасаси ва бошқалар) эгаллайди.

Устоз (ёки устозлик даври) – ўқитувчи таълим муассасасида педагогик жамоадаги касбдошлари орасидан ўз маслакдошларига, издошларига, шогирдларига эга бўлади, улар билан йиллар давомида тўплаган педагогик тажрибасини ўртоқлашади, уларнинг касбий омилкорлигини ва шахсий педагогик маҳорат мактабининг шаклланишига ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш муаммоси ҳозирги замонавий шароитда ўзининг долзарблигини йўқотмаган, балки янада алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бироқ, ҳозирги кунда ушбу муаммонинг назарий ва амалий даражадаги оптимал ечимлари илмий тадқиқот ишларида тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Бу эса бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантириш заруриятини англаш ва ушбу мақсадга эришиш механизмларининг мутлақо йўқлиги туфайли қарама-қаршиликларни вужудга келтирмоқда. Олий педагогик таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар мутахассислик фанларидан билимларни чуқур эгаллаб, касбий кўникма ва малакаларга эга бўлмоқдалар. Ушбу механизм асосидаги касбий тайёргарликка эга бўлган ўқитувчи, олий педагогик таълим муассасасидан кейинги фаолиятда ҳамиша кутилган натижаларга эришмайди, бу эса ўқитувчи эгаллаган билимлар ва касбий кўникмаларни амалиётда самарали қўллашда қарама-қаршиликларга олиб келувчи бизга номаълум бўлган қонуниятлар борлигидан далолат бермоқда.



Таълимнинг узлуксизлиги таъминлаш. Касбий таълимга бугунги кунда, мутахассисларнинг доимий касбий ва шахсий жиҳатдан ривожланиши ва такомиллашуви, алоҳида касб доирасида ҳам, касбий фаолият соҳасини ўзгартирган шароитда ҳам меҳнатнинг сифат жиҳатидан ўзгариши шароитида улардаги имкониятларнинг кенгайишини замонавий ишлаб чиқариш талаблари тақозо қиладиган узлуксиз жараён сифатида қаралмоқда. Узлуксиз таълим моҳияти ЮНЕСКОнинг “Мавжуд бўлишга ўрганиш” номли маърузасида таъриф берилган, унда инсоннинг янги тажрибалар учун очиладиган ҳолати тушунилади. Бироқ мазкур қоида талқини узлуксиз таълимни фақат вақти-вақти билан амалга ошириладиган таълим ёки муайян вақт оралиғида малака ошириш деб қарашга интилиш оқибатида анча торайган. Узлуксиз таълимдан мақсад шундаки, асосий касбий таълим шароитида шахс мустақил тарзда, ўзини маълумотли қилишга ва мукаммаллаштиришга, ижтимоий ва педагогик муаммоларнинг мураккаб доирасида эркин йўл топа билишга, ўзгарган шароитга муваффақиятли тарзда мослаша олишга ва ўзига зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллашга имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар тизимини шакллантира билсин. Мазкур тенденция кўп босқичли педагогик тайёргарлик тизимини, унинг барча (ўрта махсус, олий, дипломдан кейинги таълим) босқичларида педагогик таълим мазмунининг ўзаро алоқа ва узвийлигини таъминлайдиган ва мутахассисликка эга бўлаётган шахснинг узлуксиз ривожланиши, ижтимоийлашуви ва профессионаллашувига йўналтирилган таълим дастурларининг яратилишида ўз аксини топади. Касбий таълимнинг узлуксизлиги ва таълим дастурларининг узвийлиги ўрта, ўрта махсус ва олий касбий таълим давлат стандартларининг жорий қилиниши билан таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Мардонов Ш.Қ. Педагог кадрларни таълимий қадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари. // Пед. фан. докт.... дисс. – Тошкент. – 2006. 302 б.
3. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. - Ростов н/Дону, 1996. - С. 419-423.
4. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. //Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири Л.Саидова. – Т.; “Адолат”, 2004, – Б. 19-62.